

РАҚАМЛИ МАЛАКА ОШИРИШДА РАҲБАРЛАР МЕНЕЖЕРЛИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК МОДЕЛИ

Абдурахманова Нигора Каландаровна

Касбий таълимни ривожлантириш институти,

“Таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва меҳнат бозори билан интеграциялаш” бўлими бош
мутахассиси

E-mail: abduraxmanova.nk@mail.ru

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.22250234>

Аннотация. Ушбу мақолада касбий таълим ташкилотлари раҳбар ходимларининг менежерлик компетентлигини рақамли малака ошириш муҳитида ривожлантиришнинг дидактик модели асосланган. Моделнинг мақсадли, мазмунли, жараёنли ва диагностик блоклари, шунингдек қадриятли-стратегик, таҳлилий-вазиратли, ташкилий-операцион ҳамда инновацион-трансформацион компонентлари ёритилган. Рақамли платформалар, интерактив модуллар, бошқарув кейслари, лойиҳа технологиялари ва сунъий интеллект элементларини ягона дидактик тизимга интеграциялаш имкониятлари кўрсатилган.

Калит сўзлар: касбий таълим, рақамли трансформация, малака ошириш, раҳбар ходим, менежерлик компетентлиги, дидактик модель, рақамли таълим муҳити, сунъий интеллект.

Аннотация. В статье обоснована дидактическая модель развития менеджерской компетентности руководителей организаций профессионального образования в условиях цифрового повышения квалификации. Раскрыты целевой, содержательный, процессуальный и диагностический блоки модели, а также ценностно-стратегический, аналитико-ситуационный, организационно-операционный и инновационно-трансформационный компоненты. Показаны возможности интеграции цифровых платформ, интерактивных модулей, управленческих кейсов, проектных технологий и элементов искусственного интеллекта.

Ключевые слова: профессиональное образование, цифровая трансформация, повышение квалификации, руководитель, менеджерская компетентность, дидактическая модель, цифровая образовательная среда, искусственный интеллект.

Abstract. The article substantiates a didactic model for developing the managerial competence of vocational education leaders in a digital professional development environment. The target, content, process and diagnostic blocks of the model are described together with value-strategic, analytical-situational, organizational-operational and innovation-transformational components. The study highlights the integration of digital platforms, interactive modules, management cases, project-based technologies and artificial intelligence elements into a unified didactic system.

Keywords: vocational education, digital transformation, professional development, educational leader, managerial competence, didactic model, digital learning environment, artificial intelligence.

Ўзбекистонда касбий таълим тизимини модернизация қилиш жараёни таълим ташкилотларини бошқаришга нисбатан янги талабларни шакллантирмоқда. Рақамли технологияларни жорий этиш энди фақат ўқув жараёнини техник жиҳатдан янгилаш билан чекланмай, раҳбар ходимларнинг стратегик фикрлаши, маълумотларга асосланган қарор қабул қилиши, инновацион жараёнларни бошқариши ва рақамли муҳитда жамоавий фаолиятни ташкил этиш қобилиятларини ривожлантиришни ҳам тақозо этмоқда. Шу боис малака ошириш тизими анъанавий билим бериш моделидан раҳбарнинг менежерлик компетентлигини узлуксиз, мослашувчан ва натижага йўналтирилган тарзда ривожлантириш моделига ўтиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 октябрдаги ПФ-158-сон Фармонида касбий таълим ташкилотларида ўқув жараёнларини босқичма-босқич рақамлаштириш, таълим сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган электрон платформаларни жорий этиш вазифалари белгиланган [4. 2024]. Мазкур вазифалар раҳбар ходимлар малакасини ошириш мазмунини ҳам рақамли бошқарув талаблари билан уйғунлаштиришни талаб қилади. Бу шароитда раҳбарнинг

рақамли воситалардан фойдаланиш малакаси унинг бошқарув самарадорлигини белгилайдиган стратегик, тахлилий ва инновацион компетенциялар билан биргаликда шакллантирилиши лозим. Рақамли трансформация шароитида менежерлик компетентлиги алоҳида билим ва кўникмалар йиғиндиси эмас, балки стратегик фикрлаш, таҳлил қилиш, ташкил этиш, қарор қабул қилиш, ресурсларни бошқариш, жамоа билан ишлаш ва инновацион ўзгаришларни амалга ошириш қобилиятларини бирлаштирувчи интегратив хусусиятдир. Рақамлаштиришнинг технологик жиҳати алгоритмлаштириш ва дастурий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлса [3. 2018:Б.36], унинг инсон омили билан боғлиқ жиҳати виртуал муҳитда масъулиятли ва мувозанатли фаолият юритишни талаб қилади [2. 2020:Б.61–62]. Демак, раҳбарни рақамли технологиялардан фойдаланишга ўргатишнинг ўзи етарли эмас; у рақамли муҳитда самарали бошқарув қарорларини қабул қилишга тайёрланиши керак.

Таклиф этилаётган дидактик моделнинг асосий ғояси малака ошириш жараёнининг мақсади, мазмуни, таълим технологиялари, рақамли воситалари ва натижаларни баҳолаш механизмларини ягона тизимга бирлаштиришдан иборат. Педагогик технологияларни комплекс қўллаш таълим мазмуни, методлари ва шакллариининг ўзаро боғлиқлигини кучайтиради. П.Н. Гапонюк профессионал таълимда педагогик технологияларни тизимли қўллаш ўқитиш жараёнининг амалий йўналтирилганлиги ва натижадорлигини таъминлашини таъкидлайди [1. 2003:Б.57–60]. Шу нуқтаи назардан, рақамли малака ошириш жараёни раҳбарнинг реал бошқарув вазифаларини ҳал қилиш фаолияти билан узвий боғланиши лозим.

Моделнинг мақсадли блоки касбий таълим ташкилоти раҳбарида замонавий бошқарув вазифаларини рақамли муҳитда мустақил ҳал қилишга имкон берувчи менежерлик компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилади. Унинг методологик асосини тизимли, компетентликка асосланган ва фаолиятли ёндашувлар, шунингдек узлуксизлик, узвийлик, тадрижийлик ва инсонпарварлик тамойиллари ташкил этади. Бундай ёндашув малака оширишни бир марталик курс эмас, балки раҳбарнинг касбий фаолияти билан интеграциялашган узлуксиз ривожланиш жараёни сифатида кўриш имконини беради.

Моделнинг мазмунли блоки менежерлик компетентлигининг тўртта ўзаро боғланган компонентини қамраб олади. Қадриятли-стратегик компонент ташкилотнинг ривожланиш мақсадларини белгилаш, устувор йўналишларни танлаш ва узоқ муддатли қарорларни қабул қилиш қобилиятини ифодалайди. Тахлилий-вазиратли компонент маълумотларни таҳлил қилиш, муаммоларни вазиратларни баҳолаш ва муқобил ечимларни солиштиришга хизмат қилади. Ташкилий-операцион компонент ресурслар, ходимлар ва жараёнларни самарали мувофиқлаштиришни таъминлайди. Инновацион-трансформацион компонент эса рақамли инновацияларни жорий этиш, ўзгаришларга мослашиш ва жамоани янги бошқарув амалиётига йўналтириш қобилиятини акс эттиради.

Жараёнли блок анъанавий маърузага асосланган малака оширишдан фаол ва интерактив таълим технологияларига ўтишни назарда тутди. Бунда муаммоларни ўқитиш, кейс-стади, лойиҳа методи, симуляцион бошқарув вазиратлари, баҳс-мунозара, ролли ва имитацион ўйинлар ҳамда рефлексив таҳлилдан комплекс фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бундай машғулотларда раҳбар тайёр бошқарув алгоритминини қабул қилувчи эмас, балки муаммони таҳлил қилувчи, вариантларни солиштирувчи, хавф ва имкониятларни баҳоловчи ҳамда мустақил қарор қабул қилувчи фаол субъект сифатида иштирок этади.

Дидактик моделда рақамли таълим муҳити алоҳида ўрин эгаллайди. LMS (Learning Management System — таълим жараёнини бошқариш тизими), масофавий интерактив модуллар, электрон таълим ресурслари, аналитик бошқарув воситалари, виртуал технологиялар, булутли ҳисоблаш ва сунъий интеллект элементларидан фойдаланиш раҳбарнинг индивидуал ўқув траекториясини шакллантириш имконини беради. Индивидуал ўқув траекторияси деганда тингловчининг бошланғич компетентлик даражаси, касбий эҳтиёжлари ва бошқарув фаолиятидаги муаммоларидан келиб чиққан ҳолда ўқув мазмуни, топшириқлар ва ўзлаштириш суръатини мослаштириш тушунилади.

Моделнинг диагностик блоки менежерлик компетентлигининг ривожланганлик даражасини кўп манбали баҳолаш асосида аниқлашни кўзда тутди. Кириш ва чиқиш тестлари, ўзини ўзи баҳолаш,

эксперт баҳоси, амалий бошқарув кейслари, стратегик вазиятли топшириқлар ва рақамли аналитик воситалардан олинган натижалар ўзаро интеграцияланади. Бу усул раҳбарнинг фақат назарий билимини эмас, балки реал вазиятда қарор қабул қилиш, ресурсларни тақсимлаш, жамоани бошқариш ва инновацион ўзгаришларни ташкил этиш қобилиятини ҳам баҳолаш имконини беради. Ишлаб чиқилган моделнинг самарадорлиги 2022–2025 йилларда ўтказилган педагогик тажриба-синов ишларида текширилди. Якуний босқичда тажриба гуруҳида 199 нафар, назорат гуруҳида 198 нафар тингловчи иштирок этди. Тажриба гуруҳида юқори даражадаги натижа 20,8 % дан 33,7 % гача ўсди, паст даража эса 28,2 % дан 6,0 % гача камайди. Назорат гуруҳида юқори даража 20,0 % дан 23,2 % гача ошган бўлса, паст даража 30,2 % дан 26,8 % гача камайди. Математик-статистик таҳлилда Стъудент мезонининг ҳисобланган қиймати 7,4 бўлиб, критик қиймат 1,84 дан юқори экани аниқланди; тажриба ишлари якунида тажриба гуруҳидаги тингловчиларнинг умумий малака кўрсаткичи назорат гуруҳига нисбатан 12,4 % юқори бўлди.

Олинган натижалар рақамли малака ошириш шароитида дидактик модель самарадорлиги унинг таркибий қисмлари ўртасидаги узвий боғлиқликка асосланишини кўрсатади. Мақсад ва мазмун компетентлик компонентларига йўналтирилганда, таълим методлари реал бошқарув вазиятларини моделлаштирганда, рақамли воситалар индивидуаллаштириш ва мониторингни таъминлаганда, диагностика эса натижани мунтазам қайд этганда раҳбарнинг стратегик, таҳлилий, ташкилий ва инновацион салоҳиятида барқарор ижобий динамика юзага келади.

Шундай қилиб, касбий таълим ташкилотлари раҳбарларининг менежерлик компетентлигини ривожлантиришнинг дидактик модели ўқитиш мазмуни, рақамли технологиялар, интерактив педагогик методлар ва диагностика механизмларини ягона тизим сифатида ташкил этишга асосланади. Уни Касбий таълимни ривожлантириш институтининг малака ошириш дастурларига жорий этишда дастлаб рақамли диагностика орқали бошланғич компетентлик даражасини аниқлаш, кейин индивидуал ўқув траекториясини шакллантириш, LMS орқали модулли ўқитишни ташкил этиш ва курс якунида компетентлик ўсишини рақамли мониторинг қилиш мақсадга мувофиқ. Бу ёндашув “барча учун бир хил дастур” тамойилидан “индивидуал эҳтиёж — мослашувчан таълим — ўлчанадиган натижа” тамойилига ўтишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Гапонюк П.Н. Педагогические технологии в профессиональном образовании. — Москва: Педагогика, 2003.
2. Молчан Е.М. Цифровизация общества: антропологический аспект. — Москва: Инфра-М, 2020.
3. Тульчинский Г.Л. Цифровая культура и философия технологий. — Санкт-Петербург: Алетейя, 2018.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 октябрдаги ПФ-158-сон “Касбий таълимда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва халқаро таълим дастурларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.